

## Узун умр ҳужжатдир



11:00 / 12.01.2019 3800

Оятларда Аллоҳ таолонинг кофирларга ғазаб билан хитоб қилиши хабари берилган. Чунки улар умрларини зое қилиб, умр бўйи куфрда яшаган эдилар. Умрларининг узун бўлганига қарамасдан, куфрдан иймонга чиқмаган эдилар. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло уларга мўл-кўл вақт ва узундан-узоқ умр ато этганди. Бу ҳақда Аллоҳ таоло шундай хабар берган:

مِنَ الظَّالِمِينَ فَمَا فَدُونُوا النَّذِيرِ وَجَاءَكُمْ تَذَكُرٌ مِّنْ فِيهِ يَتَذَكَّرُ مَانِعِمَّرِكُمْ أُولَئِكَ نَعْمَلُ كُنَّا الَّذِي غَيْرَ صَالِحًا نَعْمَلُ أَخْرَجْنَا رَبَّنَا فِيهَا يَصْطَرِحُونَ وَهُمْ

نَصِيرٍ ﴿٣٧﴾

**«Улар у ерда: «Роббимиз!!! Бизларни чиқар!!! Қилиб юрган амалларимиздан бошқа, солиҳ амаллар қиламиз!!!» - деб доду фарёд солурлар. «Сизларга эслайдиган одам эслагудек умр бермаган эдикми?! Сизларга огоҳлантирувчи келмаган эдими?! Бас,**

**энди тотаверинглар! Золимларга ҳеч бир ёрдамчи йўқдир»,**  
(дейилур)» (Фотир сураси, 37-оят).

Ушбу оятда Аллоҳ таоло бандага берилган умрни унинг насиҳат олиши ва тўғри йўлни топишига асосий сабаб қилган ҳамда иймонга келиш ва эслатма олишга имкон майдони қилиб берган. Элчи юбориш ва огоҳлантириш моҳиятини инсонга қарши ҳужжат қилганидек, берилган умрни ҳам инсоннинг ўзига қарши ҳужжат қилиб қўйган.

Ҳофиз ибн Касир раҳматуллоҳи алайҳ мазкур ояти кариманинг тафсирида қуйидагиларни айтганлар: «Яъни агар ҳақни топишга уринганингизда уни топа оладиганча муддат миқдорида дунёда яшамадингизми?» дейилади». Қатода раҳматуллоҳи алайҳ: «Билинглarki, узун умр ҳужжатдир, Аллоҳ таолодан узун умр туфайли таънага қолишдан паноҳ сўраймиз», деганлар.